(?-1845)
(1845-йил 7 кун)

Минглар сулоласидан бўлган Кўкон хони. Олимхоннинг ўгли. Исфара хокими Сотиболди додхох Кўкон хони Шералихонга карши фитна уюштиради, бу ишга Муродхон хам тортилади. Улар Мусулмонкул мингбоши киргизлар исёнини бостириш учун кетганидан фойдаланиб хонни асирга оладилар ва Муродхонни хон деб эълон киладилар. 3 кундан сўнг Шералихон ўлдирилган, саройи таланиб, ўгиллари камокка олинган. Кўкон ахолиси тахт ўзгаришидан норози эди, бунинг устига янги хон ўзини Бухоро амирининг ноиби деб эълон килган. Мусулмонкул бу вокеадан хабардор бўлиб ўз кабиладошлари бўлган кипчокларни тўплаб, Муродхонга карши хужум килган. Улар Наманган беги Худоёрхонни ўзлари билан олиб келишади. Кипчоклар уни ок кигизга ўтказиб хон килиб кўтарадилар. Мусулмонкул кўшини Муродхоннинг киргизлардан иборат унчалик катта бўлмаган кошинини тезлик билан енгиб, ўрдасини эгаллаб олади ва атиги 7 кун хон бўлган Муродхон катл этилади.